

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.19/2025.27.12.T.01.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

ЯРБЕКОВ ЖАСУР БАХТИЁР ЎГЛИ

**ҚУТҚАРУВЧИЛАР ШИКАСТЛАНИШИННИГ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва
радиация хавфсизлиги; 05.10.01 – Мехнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти
хавфсизлиги**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ярбеков Жасур Бахтиёр ўғли

Кутқарувчилар шикастланишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва уларни олдини олишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чикиш.....	3
---	---

Ярбеков Жасур Бахтиёр ўғли

Социально-экономические последствия травмирования спасателей и разработка научно-обоснованных методов их предотвращения.....	23
---	----

Yarbekov Jasur Bakhtiyorovich

Developmens of socio-economic consequences of lifeguard injuries and the scientific basis of their prevention	43
--	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works	47
-------------------------------	----

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.19/2025.27.12.T.01.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

ЯРБЕКОВ ЖАСУР БАХТИЁР ЎГЛИ

**ҚУТҚАРУВЧИЛАР ШИКАСТЛАНИШИННИГ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва
радиация хавфсизлиги; 05.10.01 – Мехнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти
хавфсизлиги**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/T5505 рақам билан рўйхатта олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (akademiya.fvv.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар: **Литяга Артём Валерьевич**
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Хужанов Чарияр Рузиевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар: Гаппаров Фурқат Ахмадович
техника ғаллари доктори, профессор

Джусаев Собир Мирзаевич
техника фанлари бүйича фалсафа доктори (PhD), профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент Давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фавқу лодда вазиятлар вазирилиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 19/2025.27.12.T.01.01 раками Илмий кенгашининг 2026 йил **“30.01 соат 16:30**даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзиз: 100102, Ташкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, Дустлик кўчаси, 5-йй. Телефон: (71) 258-56-57. E-mail: akademiyafv@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси Ахборот-ресурс марказида танишинг мумкин (№ 443 раками билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100102, Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, Дустлик кўчаси, 5-ий. Телефон: (71) 258-56-57, E-mail: akademiyafv@mail.ru).

Диссертация автореферати 2026 йил 14.01 куни тарқатылды (2026 йил 14.01 кунидаги 10-рекамлы реестр баённомасы).

Р.И.Исмаилов

Илмий дармалар берувчи илмий кенгаш раиси, т. ф. д., профессор

К.Х.Якубов

Илмий даражалар берувчи
илемий көнгөш илмий көзбүт т.ф.ф.д (PhD), доцент

Р Р Нурмаматова

Илмий даражалар берувчи илмий көнгөш қошидаги илмий семинар

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурияти. Жаҳонда содир бўлаётган ёнгинларнинг олдини олиш, тез ва осон ўчирилишини таъминлаш ва авария-қутқарув ишларини ташкиллаштириш самарадорлигини ошириш борасида ҳам ҳанузгача изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар иқтисодиёт тармоқларида содир бўладиган фавқулодда вазиятларни бартараф этишда инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда ёнгин ўчириш техник воситалари ва усулларини такомиллаштириш орқали ёнгинларни ўчириш самарадорлигини ошириб бориш вазифалари белгиланган. Бу борада, ёнгин ўчириш воситаларининг янги туркумларини ишлаб чиқиш, уларнинг тактик-техник хусусиятларини такомиллаштириш унумдорлигини аниқлаш кўрсатгичларини баҳолаш ва моделлаштиришнинг илмий асосланган конструктив ечимларини топиш механизмларининг тизимли самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда фавқулодда вазиятларни бартараф этишда қутқарувчилар томонидан тўғри ҳаракат қилиш, қутқарув асбоб-анжомларини яратиш ва такомиллаштириш усулларини ўрганиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни яхшилаш, авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш жараёнида унумдорликни аниқлаш ҳамда конструкциясини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, ёнгин қутқарув бўлинмаларида авария-қутқарув асбоб-анжомлари ва жиҳозлари даврий синовдан ўтказилаётганда ёки улар билан ишлаётганда нохуш ҳолатлар содир бўлишининг олдини олиш ва тактик-техник хусусиятларини яхшилаш жараёнларини моделлаштириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, юқоридаги кўнгилсиз ҳолатлар асосан авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш усулларини ишлаб чиқишнинг самарадорлигини аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш, улардан фойдаланиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган носозликлар ёки ишдан чиқиш ҳолатларини аниқлаш имконини берувчи усуллар самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 92-мақсадида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратишга қаратилган чора тадбирлар белгилаб берилган¹. Жумладан “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш, ёнгин-техник

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кунидаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармони.

воситаларини ишлаб чиқаришга хусусий секторни жалб этиш...” бўйича мухим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, содир бўладиган фавқулодда вазиятларни тезкорлик билан бартараф этиш учун зарур бўладиган техник восита ва анжомларнинг янги туркумларини ишлаб чиқишининг илмий асосланган конструктив ечими самарадорлигини топишни аниқлаш мухим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5706-сон ва 2025 йилнинг 20 октябрдаги “Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПФ-185-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йилнинг 20 октябрдаги “Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини рақамлаштириш ҳамда илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-311-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон “Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи².

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” ва “Мехнат унумдорлигини ошириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, меҳнат хавфсизлигини, авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш усулларини такомиллаштириш йўналишида бир қатор олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан: М.Т.Лобжа, С.А.Полиевский, А.Э.Буров, М.Н.Жегалдова, И.М.Медведев, А.А.Болотин, А.А.Абраменко, А.И.Воронов, А.Б.Шленков, А.Д.Климанов, Л.Д.Воронина, А.Д.Багриновский, С.У.Вейлер, Ж.Борисов, С.Доз, Х.А.Кристорян, В.В.Дяков, С.В.Белов, В.Л.Бочковская, О.М.Тодес, М.И.Соловьёв, А.Н.Колмогоров, Ч.Хинсе, Ж.С.Таунсенд, Л.Прандтел, Э.Тейлор, Л.С.Клячко, Й.Н.Талиев, Т.Великанов ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш жараёнида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича Ўзбекистоннинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишиланган. Булардан: А.К.Қудратов, Б.А.Мавлянкариев,

² ЎзР Президентининг ПФ-5706-сон Фармони ва тегишли меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар.

А.А.Сулейманов, Б.Т.Ибрагимов, Р.Р.Нурмаматова, О.Р.Юлдашев, Х.Х.Шомирзаев, Ш.Э.Курбанбаев, Ш.Г.Джаббарова, Ш.Э.Курбанбаев, Ф.Ёрматов. Олиб борилган илмий-тадқиқот натижасида ва меҳнат хавфсизлиги ва қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш усулларини такомиллаштириш амалиётида қўллаш масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, қутқарувчилар шикастланишининг ижтимоий-иктисодий оқибатларини таҳлил қилиш, шикастланишларни олдини олишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш, қутқарувчиларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш орқали оптималлаштириш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг 2024 йил 20 январь қунидаги 30/5-13-сонли илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қутқарувчилар шикастланишининг ижтимоий-иктисодий оқибатларини таҳлил қилиш, шикастланишларни олдини олишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш, қутқарувчиларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш самарадорлигини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қутқарувчилар шикастланишининг ижтимоий-иктисодий оқибатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

авария-қутқарув асбоб-анжомларининг даврий синовдан ўтказиш усулларини тадқиқ қилиш;

соҳа амалиётида кенг қўлланиладиган авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш усулларини такомиллаштириш;

ишлаб чиқилган авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш дастгоҳини яратиш;

ишлаб чиқилган намунадаги дастгоҳ ёрдамида авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш самарадорлигини ошириш усулларини тадқиқ қилиш;

шикастланишларни олдини олишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида фаолият юритаётган қутқарувчиларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасида тадқиқотларнинг таҳлили ва ўтказилган тажриба синов ишлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ишлаб чиқилган намунадаги дастгоҳ ёрдамида авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш,

авария-қутқарув асбоб-анжомларини таклиф этилаётган комбинациялашган синов усуллари кўрсаткичларини илмий асослаш ва қутқарувчиларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказишга мўлжалланган янги намунадаги дастгоҳнинг техник хусусиятларини янада ошириш усуллари, эҳтимоллик назарияси қоидаларини амалга ошириш, амалий экспериментал тадқиқотларни режалаштириш, тадқиқот натижаларининг математик статистик таҳлили ва корреляцион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

ёнғин-қутқарувчилар учун мўлжалланган янги намунадаги УСД-500 универсал синов дастгоҳи фавқулодда вазиятларда фойдаланилдиган қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказишни осон ва самарали амалга ошириш мақсадида такомиллаштирилган;

ушбу дастгоҳни қўллаш орқали, амалдаги усулда авария-қутқарув асбоб-анжомларини синовдан ўтказиш учун 7 нафар ҳарбий хизматчи талаб этилса, УСД-500 ёрдамида ёнғин-қутқарувчилар сонини 5 нафаргача камайтириш мумкинлиги аниқланди;

таклиф этилаётган янги намунадаги дастгоҳни (УСД 500) соҳа амалиётига қўллаш натижасида, авария-қутқарув асбоб-анжомларининг даврий синовларини 15% гача, қутқарувчиларнинг шикастланиш даражасини 10-15 % гача камайтирилишига эришилган;

ишлаб чиқилган янги намунадаги дастгоҳ авария-қутқарув асбоб-анжомларининг даврий синовларни амалга ошириш, ўз вақтида ва сифатли техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, қисқа муддатда уни қайта ҳисобга қўйиш ва ёнғинларни бартараф этиш ишларини сифатли ташкил қилишнинг оптимал варианларининг модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

таклиф этилаётган янги намунадаги синов дастгоҳи ишлаб чиқилган ҳамда авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказишга эришилган;

фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимларида қўлланилаётган юк осиши йўли билан авария-қутқарув асбоб-анжомлари дастгоҳ ёрдамида даврий синовдан ўтказилган;

қутқарувчиларнинг ҳаракатида юз берадиган кўнгилсиз ҳодисалар ҳисобига, тан жароҳати олиш эҳтимолий ҳолатларининг ошиши мумкинлиги аниқланган;

ишлаб чиқилган намунадаги дастгоҳ (УСД 500) ёрдамида авария-қутқарув асбоб-анжомларининг даврий синовлари амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва амалий тадқиқотларда замонавий усуллар ва техник воситалардан фойдаланилганлиги, математик статистика, моделлаштириш, амалий ва назарий ўзаро мутаносиблиги ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, натижаларининг илмий аҳамияти – қутқарувчиларни содир бўладиган фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қўшган ҳиссаси билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари амалий ўкув қутқарувчилар билан ўтказиладиган тайёргарлик машғулотларида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш бўйича такомиллаштирилган усуллар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қутқарувчилар шикастланишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва уларни олдини олишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

ёнғин қутқарувчилари учун мўлжалланган янги намунадаги УСД 500 дастгоҳи фавқулодда вазиятларда фойдаланилаётган қутқарув асбоб-анжомларининг тажриба-синови Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Махсус вазифалар бўйича Республика қутқарув марказига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг (2024 йил 28 июль кунидаги 5/4/38-2077-сонли маълумотномаси). Натижада, янги намунадаги (УСД 500) дастгоҳни қўлланилиши синовдан ўтказилиб, ишни ташкиллаштиришга жалб этилган ҳарбий хизматчилар сонини 5 нафарга қисқартириш, қутқарувчиларнинг шикастланишини даражасини 10-15%га камайтириш имконини берган;

ишлаб чиқилган янги намунадаги дастгоҳ авария-қутқарув асбоб-анжомларининг даврий синовларни амалга ошириш, ўз вақтида ва сифатли техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, қисқа муддатда уни қайта ҳисобга қўйиш ва ёнғинларни бартараф этиш ишларини сифатли ташкил қилишнинг оптимал варианtlари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг соҳавий хизматларига янги туркумдаги техник восита сифатида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг (2024 йил 28 июль кунидаги 5/4/38-2077-сонли маълумотномаси). Натижада, янги намунадаги дастгоҳ (УСД-500)ни қўллаш орқали авария-қутқарув асбоб-анжомларининг (қўл нарвонлари, қутқарувчи камари ва карабини) даврий синовларини ўтказиш вақти 15 % гача қисқартириш имконияти яратилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 6 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, 4 та нуфузли хорижий журналда ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақолалар, 6 та халқаро ҳамда 2 та Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар тўпламларида нашр этилган мақолалар ҳамда 1 та Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган 007937-сонли муаллифлик гувоҳномаси.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 119 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Қутқарувчилар шикастланишининг олдини олиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг таҳлили” деб номланган биринчи бобида дунё мамлакатларида ва республикамизда содир бўлган фавқулодда ҳолатларда қутқарувчиларнинг ҳалок бўлиши ва тан жароҳати олиш ҳолатлари ўрганилган ҳамда ушбу йўналишлар бўйича илмий изланиш олиб борган олимларнинг илмий изланишлари ўрганиб чиқилди.

Сўнгги вақтларда дунёнинг турли мамлакатларида содир бўлган ёнғин ва фавқулодда вазиятлар вақтида кўплаб инсонларнинг бевакт ҳалок бўлиши ва тан жароҳати олиши ўз навбатида фавқулодда вазиятлар пайтида авария-қутқарув ишларини ташкиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, куч ва воситаларни тўғри йўналтириш ва одамлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган янги ечимларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу билан бирга республикамиз худудида сўнгги йилларда содир бўлган ёнғинларни бартараф этишда, қутқарув ишларини амалга ошириш жараёнида ҳарбий хизматчиларнинг тан жароҳати олишларининг статистикаси атрофлича таҳлил қилинган.

Амалий тадқиқотлар давомида аниқландикси даврий синовдан сўнг авария-қутқарув асбоб-анжомларининг ишчи ҳолатини сақлаб қолиш кўрсатгичлари 22 та авария-қутқарув асбоб-анжомларининг яроқсиз ҳолатга келгани маълум бўлди. ФВВ тизимида фойдаланиб келинаётган авария-қутқарув асбоб-анжомларининг даврий синовдан ўтказилиш давомийлиги 12 ойдан 10 ойга қисқартириш орқали бўлиши мумкин бўлган тан жароҳатларини 1,1 % га камайишига эришиш мумкинлиги амалий тадқиқотлар давомида аниқланди.

Диссертациянинг “Қутқарувчилар шикастланиши оқибатларини олдини олишнинг назарий ва амалий усуллари бўйича ўтказиладиган синов тадқиқотлари” деб номланган иккинчи бобида, фавқулодда вазиятлар турлари ҳамда уларнинг таҳлили, шунингдек, авария-қутқарув асбоб-10

анжомларининг синовдан ўтказиш усуллари бўйича тадқиқотлар натижаларининг таҳлиллари ўрганиб чиқилди.

Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар яъни инсон омили натижасида содир бўлувчи авариялар, ёнғинлар ва портлашларнинг олдини олиш, фавқулодда вазият содир бўлганда одамларни қутқариш ва оқибатларини бартараф этишнинг илмий ечимларини топиш муҳим аҳамият касб этади. Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар турлари ичida энг кўп содир бўлаётган фавқулодда вазиятлар йўл транспорт ҳодисалари ва ёнғинлар эканлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу фавқулодда вазиятларни бартараф этиш жараёнида қутқарувчилар томонидан энг кўп фойдаланилдиган авария қутқарув асбоб-анжомлари ўрганилди. Ёнғин қутқарув автоцистерналарида олиб юриладиган авария қутқарув асбоб-анжомлари рўйхатида 50 дан ортиқ бўлган ҳар хил жиҳоз ва ускуналар мавжуд эканлиги тадқиқ қилинди.

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш жараёнида қўл нарвонлари (Уч тирсакли сурилувчи нарвон, ишғол қилувчи ва ёғоч нарвонлари) 55,5 %, қутқарув арқонлари 77,7 %, қутқарувчи камари 88,8 % ҳамда қутқарувчи карабини 88,8 % ишлатилади. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш жараёнида қўл нарвонлари (Уч тирсакли сурилувчи нарвон, ишғол қилувчи ва ёғоч нарвонлар) 54,5%, қутқарув арқонлари 54,5%, қутқарувчи камари 81,8 % ҳамда қутқарувчи карабини 81,8 % ишлатилиши илк бор таҳлил қилинди.


Экологик тусдаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш жараёнида қўл нарвонлари (Уч тирсакли сурилувчи нарвон, ишғол қилувчи ва ёғоч нарвонлар) 55,5%, қутқарув арқонлари 77,7%, қутқарувчи камари 88,8% ҳамда қутқарувчи карабини 88,8 % ишлатилади. Юқорида келтирилган статистик маълумотларнинг таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар, табиий ҳамда экологик тусдаги фавқулодда вазиятларда қутқарув асбоб-анжомларидан фойдаланиш кўрсатгичлари

Т.р	Фавқулодда вазиятларнинг номланиши	Фавқулодда вазиятларда авария-қутқарув асбоб-анжомларидан фойдаланиш кўрсатгичлари %			
		Кўл нарвонлари (Уч тирсакли сурилувчи нарвон, ишғол қилувчи ва ёғоч нарвонлари) %	Қутқарув арқонлари %	Қутқарувчи камари %	Қутқарувчи карабини %
1	Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар	37,5	29,1	100	100
2	Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар	54,5	54,5	81,8	81,8
3	Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар	55,5	77,7	88,8	88,8
% кўрсатгичида:		49,1	53,7	90,2	90,2

Фавқулодда вазиятларда авария-қутқарув асбоб-анжомларидан фойдаланиш кўрсатгичлари ўрганища қўл нарвонлари (Уч тирсакли сурилувчи нарвон, ишғол қилувчи ва ёғоч нарвонлар) 49,1 % гача, қутқарув арқонлари 53,7 % гача, қутқарувчи камари 90,2 % гача, қутқарувчи карабини 90,2% ишлатилиши маълум бўлди (2-3-расмлар).



2-расм. Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда қутқарув асбоб-анжомларидан фойдаланиш кўрсатгичлари % таҳлили


3-расм. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларда қутқарув асбоб-анжомларидан фойдаланиш кўрсатгичлари % таҳлили

Қутқарув асбоб-анжомларининг юқ осиш йўли билан синовдан ўтказиш методикасида қутқарувчи (ёнғин ўчирувчи) ўз-ўзини қутқариш воситалари икки гурухга бўлинади: нарвонлар ва қутқариш воситалари. Қутқариш воситаларига қуидагилар киради: қутқарувчи (ёнғин ўчирувчи) камари, карабини ва қутқарув арқони танлаб олинди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимининг ёнғин-қутқарув қисмларида бугунги кунда уч турдаги қўл нарвонлари қўлланилади ишғол қилувчи нарвони, ёғоч нарвон ҳамда уч тирсакли сурилувчи нарвон тажриба предмети сифатида олинди.

Қўл нарвонларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни ёнғин-қутқарув қисмларига жанговар ҳисобга қўйилишидан аввал қўл нарвонларининг яроқлилигини аниқлаш мақсадида даврий синовдан ўтказиш бўйича умумий талаблар, давлат стандартлари ва техник шартларда белгилаб берилган. Уч тирсакли сурилувчи нарвонларини олиб борилган илмий тадқиқот давомида бир неча маротаба синовлар амалга оширилди. Уч тирсакли сурилувчи нарвонни синовдан ўтказиш давомида қаттиқ жойга ўрнатилиб, 75° бурчак остида (девордан нарвон бошмоқларигача 2,8 м) деворга суюб қўйилди ва тўлиқ баландликка суриб чиқарилди.

Ушбу ҳолатда нарвоннинг ҳар бир погонасига маҳсус тайёрлаб қўйилган тошлар нарвоннинг белгиланган жойларига осилди. Уч тирсакли

суралувчи нарвонга 300 кг юк 2 дақиқага осилди (4-расм). Үтказилган синовдан сүнг нарвонни ташқи күриниши күздан кечирилди. Нарвон шикастланмаган бўлиши, шаклида ўзгаришларни бор ёки йўқлиги, унинг тирсаклари тўсқинликларсиз (ўз вазни билан) сураб чиқарилиши ва туширилиши текширилди.



4-расм. Уч тирсакли суралувчи нарвонни юк осиш йўли билан синовдан ўтказиш схемаси.

Амалга оширилган уч тирсакли суралувчи нарвонни юк осиш йўли билан синовдан ўтказиш усулида қуйидаги формулалар асосида амалга оширилади. α бурчакнинг косинуси қуйидаги формуладан аниқланади:

$$\cos \alpha = \frac{d}{l} \quad (1)$$


Бунда, d - уч тирсакли суралувчи нарвонни ўрнатишдаги масофаси; l - уч тирсакли суралувчи нарвонни тўлиқ очилгандаги баландлиги 2.1-формула асосида топилди

$$\cos \alpha = \frac{2,8 \text{ м}}{10,7 \text{ м}} = 0,26$$

$$\alpha = \arccos 0,26 = 75^\circ \text{ га тенг.}$$

$$A_c = 2 * 3 * F_c * t_c * \cos 15^\circ \quad (2)$$

Бунда, A_c - синовдан ўтказиш учун керак бўладиган юкланиш, F_c - синовдан ўтказиш учун керак бўладиган куч, t_c - синовдан ўтказиш учун кетган вақт, 3 - поғоналар сони.



1-график. Уч тирсакли суралувчи нарвон учун синов натижаларининг умумий кўриниши.

$$A_c = 6 * 300 * 120 * 0.966, \\ A_c = 34776 \text{ кг} * \text{м} / \text{с}^2 * \text{с}, 34776 \text{ кг} * \text{м} / \text{с}^2 * \text{с} \approx 34.8 * 10^3 [\text{кг} * \text{м} / \text{с}^2 * \text{с}]$$

юкланишга эга.

$$34776 = 6 * F_c * t_c * 0.966 \\ 6000 = F_c * t_c$$

Юқоридаги амалий синов тадқиқотлари натижалари қўйидаги формула асосида амалга оширилди.

$$F = E * S * \frac{\Delta l}{l_0} \quad (3)$$

Бунда, F – таъсир этувчи куч; E – материалнинг эластиклик юнг модели; S -нарвон асосининг кўндаланг кесим юзаси; l_0 - нарвоннинг умумий узунлиги; Δl – нарвоннинг эгилиши. Бу формула асосида нарвоннинг бардошлилигини аниқлаш мақсадида фойдаланилди. Унга кўра нарвонга таъсир этувчи куч F_c ни нарвонга этувчи куч вақти t_c га ва $\cos 15^\circ$ га кўпайтириш орқали нарвонга таъсир этувчи юкланиш қийматини топамиз.

$$A_c = 2 * 3 * F_c * t_c * \cos 15^\circ \quad (4)$$

Бунда, F - таъсир этувчи куч, F_c - синов кучи.

Бу формула бизга нарвоннинг максимал юкланишни кўтара олиш қобилиятини, нарвонга хавфли бўлган чегара оралигини топиш ҳамда нарвонни синаш мақсадида қулай бўлган юкланиш қийматни аниқлашда фойдаланилди. Амалий тадқиқотлар натижасида синов натижаларини 1-графикда тасвирланган. Унга кўра F_{yp} куч қиймати ва t_{yp} вақт қиймати кесиши маси нарвонни синаш учун қулай бўлган юкланиш қиймати A_c ни ифодалайди. $F_{хавф}$ куч қиймати ва $t_{хавф}$ вақт қиймати кесиши маси нарвон ўз хусусиятини йўқотиш оралигининг бошланадиган юкланиш қиймати $A_{хавф}$ ни ифодалайди. F_{max} куч қиймати ва t_{max} вақт қиймати кесиши маси нарвоннинг синишига сабаб бўладиган қиймати A_{max} ни ифодалайди.

Амалий тадқиқотлар натижасида синов натижалари уч тирсакли нарвонни синаш мақсадида қулай бўлган юкланиш қиймати A_{yp} , нарвонни синаш мақсадида қулай бўлган F_{yp} куч қиймати ва t_{yp} вақт қийматларини қўйидаги формула асосида аниқланди.

$$A_{\ddot{y}p} = 3 * 2 * F_{\ddot{y}p} * t_{\ddot{y}p} * \cos 15^\circ \quad (5)$$

Бунда, $A_{\ddot{y}p}$ - нарвонни синаш мақсадида қулай бўлган юкланиш, $F_{\ddot{y}p}$ - нарвонни синаш мақсадида қулай бўлган куч, $t_{\ddot{y}p}$ - нарвонни синаш мақсадида қулай бўлган вақт.

$$F_{\ddot{y}p} = 300 * 9.81 [\text{кг} * \text{м}/\text{с}^2],$$

$$t_{\ddot{y}p} = 120 [\text{с}].$$

$$A_{\ddot{y}p} = 300 * 120 * 9.81 * 0.966$$

$$A_{\ddot{y}p} = 341152,6 \text{ кг} * \text{м}/\text{с}^2 * \text{с}, 341152.6 \text{ кг} * \text{м}/\text{с}^2 * \text{с} \approx 341.15 * 10^3 [\text{кг} * \text{м}/\text{с}]$$

Амалий тадқиқотлар натижасида синов натижалари уч тирсакли сурилувчи нарвонни синаш мақсадида қулай бўлган юкланиш қиймати $A_{\ddot{y}p}$, нарвонни синаш мақсадида қулай бўлган $F_{\ddot{y}p}$ куч қиймати ва $t_{\ddot{y}p}$ вақт қийматларини материалларнинг мустаҳкамлик чегараларидан фойдаланиб уч тирсакли сурилувчи нарвоннинг максимал юкланишни кўтара олишини қуидаги формула ёрдамида топамиз

$$F = 2 * E * S * \frac{\Delta l}{l_0} \quad (6)$$

Бунда, F - нарвонга таъсир этадиган максимал куч, E - нарвон материалининг юнг модули, S - нарвоннинг кўндаланг кесим юзаси, Δl - нарвоннинг нисбий узайиши, l_0 - нарвоннинг узунлиги.

$$E = 70 \text{ ГПа}, S = 12 \text{ см}^2,$$

$$l_0 = 10.7 \text{ м}, \Delta l = 1.5 \text{ мм}.$$

$$F_{\max} = 2 * 70 \text{ ГПа} * 12 \text{ см}^2 * 1.5 \text{ мм} / 10.7 \text{ м}$$

$$F_{\max} = 23.55 * 10^3 \text{ кг} * \text{м}/\text{с}^2$$

Юқоридаги қийматдан фойдаланиб нарвоннинг максимал юкланишини аниқлаймиз:

$$A_{\max} = 23.55 * 10^3 \text{ кг} * \text{м}/\text{с}^2 * 130 \text{ с}$$

$$A_{\max} = 3061 * 10^3 \text{ кг} * \text{м}/\text{с}^2 * \text{с} = 3061 * 10^3 \text{ кг} * \text{м}/\text{с}.$$

Механик балкаларнинг мустаҳкамлик чегараси куч қийматининг тажрибалар асосида айнан 10 Н лиги ва балка ўзининг юк кўтара олиш қобилиятини (ўз бутунлигини) айнан 1,9 дақиқа оралиғида йўқотишини инобатга олиб нарвон учун хавфли бўлган юкланиш оралиғининг минимал қиймати $A_{\text{хавф}}$, таъсир этувчи куч $F_{\text{хавф}}$ ва таъсир этувчи вақт $t_{\text{хавф}}$ қийматларини топамиз.

$$F_{\text{хавф}} = 23550 \cdot 10 = 23540 \text{ кг} \cdot \text{м/с}^2$$


$$t_{\text{хавф}} = 130 \cdot 1.9 = 128.1 \text{ с}$$

Юқоридаги қийматлардан келиб чиқиб нарвон учун хавфли бўлган юкланиш оралигининг минимал қиймати $A_{\text{хавф}}$ ни топамиз.

$$A_{\text{хавф}} = F_{\text{хавф}} \cdot t_{\text{хавф}} \quad (7)$$

$$A_{\text{хавф}} = 23540 \text{ Н} \cdot 128.1 \text{ с} = 3015474 \text{ кг} \cdot \text{м}^2 \cdot \text{с}$$

$A_{\text{хавф}} = 3015.5 \text{ кН} \cdot \text{с}$ дан ошганда уч тирсакли сурилувчи нарвон яроқсиз ҳолатга келиши амалий тадқиқотлар натижасида аниқланди.



5-расм. Таклиф этилаётган УСД-500 (универсал синов дастгоҳи-500)нинг умумий кўриниши.

Синов дастгоҳининг асосий қисмлари:


1. Металл асоси; 2. Лебёдка; 3. Металл арқон (трос); 4. Тиргак асоси ҳамда тиргак; 5. Роликлар; 6. Металл қувур; 7. Динамометр

Таклиф этилаётган “Универсал синов дастгоҳи-500”нинг умумий оғирлиги 85 кг ни ташкил этади. Универсал синов дастгоҳининг асосий қисмларининг вазифалари иборат. Дастгоҳнинг металл асосининг (корпус) баландлиги 81 см, эни 60 см, узунлиги 4 метр 86 см, дастгоҳнинг асоси 6 x 6 мм ли бурчакли металлдан ясалган рама билан бирлаштирилган. Авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш учун мўлжалланган дастгоҳнинг қисмларини бирлаштириш мақсадида фойдаланилади (6-расм).

Таклиф этилаётган синов дастгоҳининг энг муҳим қисмларидан бири

лебёдка ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси даврий синов учун керакли бўлган кучни ҳосил қилиш ҳисобланади(7-расм).


Металл арқон (трос) қўл нарвонларини даврий синовдан ўтказишида қулийлик яратиш мақсадида фойдаланилади. Авария-қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш учун металл арқон (трос) 17 метр талаб этилади.



6-расм. Металл асоси.


7-расм. Лебёдка ҳамда металл арқон (трос).

Тиргак асоси ҳамда тиргакли қисмида дастгоҳ асоси (корпус)нинг ости қисмига маҳкамланган 3 метр 16 см бўлган 2 қиррали металл. Тиргак асосиага диаметри 4 мм бўлган 3 дона айланувчи ролик жойлаштирилган. Тиргак асосининг вазифаси қўл нарвонларини даврий синовдан ўтказиш мақсадида фойдаланилади. Қўл нарвонларини даврий синовдан ўтказиш давомида тиргак асосини тепага қўтарилишини олдини олиш мақсадида узунлиги 1 метр бўлган 2 дона тиргаклар жойлаштирилган (8-расм).



8-расм. Тиргак асоси ҳамда тиргак.

Таклиф этилаётган дастгоҳнинг тиргак асоси қисмига махсус тайёрланган роликлар жойлаштирилган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси ишқаланиш кучини камайтиришдан иборат (9-расм). Таркибий қисмида металл қувур дастгоҳнинг орқа томонига жойлаштирилган металл қувур узунлиги 1 метр диаметри 32 мм. Унинг асосий вазифаси қутқарувчи камари, карабинини ҳамда енглик тутқичларини даврий синовдан ўтказиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ишлатилди (10-расм).



9-расм. Роликлар

10-расм. Металл қувур.

11-расм. Динамометр.

Дастгоҳнинг олди томонига жойлаштирилган динамометр статик кучларни ўлчаш учун динамометр ишлатилади. Рухсат этилган асосий камайтирилган чегаралари 2 % ни ташкил этади (11-расм).



12-расм. Уч тирсакли сурилувчи нарвонни синов дастгоҳи орқали синовдан ўтказиш схемаси.

Уч тирсакли сурилувчи нарвонни даврий синовдан ўтказиш жараёнида таклиф этилаётган синов дастгоҳи 4 қаватли ўқув минорасининг олди қисмига мустаҳкам жойлаштирилди. Уч тирсакли сурилувчи нарвонни синов дастгоҳининг махсус тиргак қисмига 75° бурчак остида (девордан нарвон бошмоқларигача 2,8 м) деворга суюб қўйилди ва тўлиқ баландликка суриб чиқарилди. Ушбу ҳолатда нарвоннинг белгиланган 3 та тирсак 18

қисмидан металл арқон (трос) орқали ҳар бир поғонасига 2 дақиқага 100 кг дан юқ дастгоҳнинг лебёдкаси орқали тортилди.

Уч тирсакли сурилувчи нарвони ўтказилган даврий синовдан сўнг шикастланмаган бўлиши, ташқи кўриниши ҳамда шаклида ўзгаришлар кузатилмаслиги ва унинг тирсаклари тўсқинликларсиз (ўз вазни билан) суриб чиқарилиши ва туширилиши алоҳида текширилди.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики уч тирсакли сурилувчи нарвонни амалдаги юқ осиш йўли билан ўтказилган синов тадқиқотлари учун кетган вақт 387 сонияни ташкил этди. Таклиф этилаётган дастгоҳи ёрдамида ўтказилган синов жараёнида эса 120 сонияда амалга оширилди.

2-жадвал
Амалдаги юқ осиш йўли билан даврий синов ҳамда таклиф этилаётган синов дастгоҳи ёрдамида ўтказиладиган даврий синовлар

Т/п	Синовдан ўтказиладиган асбоб-анжом номи	Юқ оғирлиги, кг	Синовдан ўтказишга жалб этиладиган қутқарувчилар сони (нафар)		Амалга ошириладиган даврий синов учун вақт меъёри, сек			
			Амалдаги усул	Таклиф этилаётган дастгоҳ	Амалдаги усуга кетадиган вақт, сек	Таклиф этилаётган дастгоҳга кетадиган вақт, сек	Амалдаги меъёри хужжада кўрсатилган вақт, сек	
1.	Уч тирсакли сурилувчи нарвон	300	6-7	2	387	120	120	
2.	Ишғол қилувчи нарвон	160	5-6	1	285	120	120	
3.	Ёғоч нарвон	120	3-4	1	285	120	120	
4.	Қутқарув арқони	350	6-7	2	467	300	300	
5.	Қутқарувчи камари	350	6-7	2	432	300	300	
6.	Қутқарувчи карабини	350	6-7	2	432	300	300	
7.	Енглик тутқичлари	350	3-4	1	394	300	300	

Амалдаги юқ осиш йўли билан даврий синов ҳамда таклиф этилаётган синов дастгоҳи ёрдамида ўтказиладиган тадқиқот натижалари 13-расмда берилган.

эса уч тирсакли сурилувчи нарвонларни синов тажрибалари давомидаги белгиланган вақт меъёр талабларига нисбатан 267 сония қўп вақт сарфланганини олиб борилган синов тадқиқотлари давомида маълум бўлди. Уч тирсакли сурилувчи нарвонларни тош осиш йўли билан даврий синовдан ўтказиш жараёнига тайёргарлик кўриш учун талаб этиладиган вақт 6, 7 дақиқани ташкил этилиши маълум бўлди.


Таклиф этилаётган синов дастгоҳи ёрдамида ўтказилган синов жараёнига тайёргарлик кўриш учун талаб этиладиган вақт 2 дақиқани ташкил этиши маълум бўлди. Уч тирсакли сурилувчи нарвонларни даврий синовдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг тизимида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари”ни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи талабларининг 454-бандига асосан 2 дақиқа юк осилиши белгиланган.

Амалдаги усулда даврий синов жараёнига тайёргарлик кўриш учун талаб этиладиган вақт 47% ни, амалга оширилган тадқиқот синови учун кетган вақт кўрсатгичлари 40% ни ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларда келтирилган вақт эса 13% ни ташкил этиши олиб борилган амалий тадқиқотлар давомида аниқланди. Таклиф этилаётган дастгоҳ ёрдамида амалга ошириладиган даврий синов жараёнига тайёргарлик кўриш учун талаб этиладиган вақт 34% ни, амалга оширилган тадқиқот синови учун кетган вақт кўрсатгичлари 33% ни ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларда келтирилган вақт эса 33% ни ташкил этиши олиб борилган амалий тадқиқотлар давомида аниқланди (14-расм).



14-расм. Уч тирсакли сурилувчи нарвонни амалдаги усулда даврий синов ҳамда таклиф этилаётган дастгоҳ ёрдамида даврий синов натижалари.

Таклиф этилаётган дастгоҳ ёрдамида амалга ошириладиган даврий синов жараёнига тайёргарлик кўриш учун талаб этиладиган вақтга нисбатан 13% га, амалга оширилган тадқиқот синови учун кетган вақт кўрсатгичлари 7% га ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вақт кўрсатгичларига нисбатан 20% га яхшиланишига эришилди.



13-расм. Амалдаги юк осиши йўли билан даврий синов ҳамда таклиф этилаётган синов дастгоҳи ёрдамида ўтказиладиган тадқиқот натижалари.

Диссертациянинг “Кутқарувчиларнинг қутқарув асбоб-анжомларини таклиф этилаётган дастгоҳ ёрдамида синовдан ўтказиш натижасидаги илмий ва иқтисодий самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида, Кутқарувчиларнинг авария-қутқарув асбоб-анжомларини таклиф этилаётган дастгоҳ ёрдамида синовдан ўтказишга оид тадқиқотлар натижаларининг таҳлиллари ўрганиб чиқилди.

Уч тирсакли сурилувчи нарвонни даврий синовдан ўтказиш жараёнида таклиф этилаётган синов дастгоҳи 4 қаватли ўқув минорасининг олди қисмига мустаҳкам жойлаштирилди, уч тирсакли сурилувчи нарвонни синов дастгоҳининг маҳсус тиргак қисмига 75° бурчак остида (девордан нарвон бошмоқларигача 2,8 м) деворга суюб қўйилди ва тўлиқ баландликка суриб чиқарилади. Ушбу ҳолатда нарвоннинг белгиланган 3 та тирсак қисмидан металл арқон (трос) орқали ҳар бир погонасига 120 сония 100 кг дан юк дастгоҳнинг лебёдкаси орқали тортилди.

Уч тирсакли сурилувчи нарвон ўтказилган даврий синовдан сүнгшикастланмаган бўлиши, ташқи қўриниши ҳамда шаклида ўзгаришлар кузатилмаслиги ва унинг тирсаклари тўсқинликларсиз (ўз вазни билан) суриб чиқарилиши ва туширилиши алоҳида текширилди. Таклиф этилаётган синов дастгоҳи ёрдамида ўтказилган синов тадқиқотлари давомида аниқландики, таклиф этилаётган синов дастгоҳи ёрдамида тадқиқот синовлари давомида сарфланган вақт меъёр талабларига мослиги ўтказилган амалий тажрибалар давомида аниқланди.

Тош осиши йўли билан ўтказилган тадқиқот синов жараёнида эса умумий кетган вақт 387 сонияни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Бу

ХУЛОСА

“Кутқарувчилар шикастланишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва уларни олдини олишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиши” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қўйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. ФВВ тизимида фойдаланиб келинаётган авария-кутқарув асбоб-анжомларининг даврий синовдан ўтказилиш давомийлиги 12 ойда бир маротаба ўтказилишини 10 ойда бир маротаба ўтказилишига қисқартириш орқали авария-кутқарув асбоб-анжомларидан фойдаланиш давомида қутқарувчиларнинг тан жароҳати олиш ҳолатларини 1,1 % га камайишига эришиш мумкинлиги амалий тадқиқотлар давомида ўрганилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидағи ёнгин қутқарув қисмларида ҳарбий хизматчиларнинг суткалик хизматлари давомида ҳамда содир бўлган ёнғинларни бартараф этиш жараёнларида қутқарувчилар ўзларининг меҳнат самарадорлигини сақлаб қолиши, содир бўлиши мумкин бўлган тан жароҳатларини камайтириш мақсадида тадқиқотлар ва амалий синовлар ўтказилди, ҳамда авария қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказилиши қўрсатгичлари юк осиш йўли билан синовдан ўтказишга нисбатан якуний натижалари бўйича 25% гача самарадор эканлиги илмий асосланди.

3. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидағи ёнгин қутқарув қисмларида қутқарув асбоб-анжомларини даврий синовдан ўтказиш жараёнида таклиф этилаётган УСД-500 (универсал синов дастгоҳи-500) дастгоҳи ёрдамида даврий синовлар Ўзбекистон Республикаси Махсус вазифалар бўйича республика қутқарув марказида синов тариқасида амалиётга жорий этилишига эришилди.

4. Таклиф этилаётган дастгоҳ ёрдамида амалга ошириладиган даврий синов жараёнига жалб этиладиган ҳарбий хизматчилар амалда бўлган усулдаги даврий синов жараёнига нисбатан 13% га, амалга оширилган тадқиқот синови учун кетган вақт кўрсатгичлари 7% га ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вақт кўрсатгичларига эса 20% га яхшиланишига эришилди.

5. Таклиф этилаётган синов дастгоҳи ёрдамида даврий синовларни амалга ошириш жараёни, юк осиш йўли билан даврий синовларни амалга ошириш жараёнига нисбатан 18,6 % гача иқтисод қилинишига эришилди. Таклиф этилаётган синов дастгоҳини Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ФВБларида жорий этилиши орқали даврий синов жараёнидаги мавжуд муаммолар ўз ечимини топади. Кутқарувчиларнинг тан жароҳати олиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар сони қисқаришига, шунингдек, жароҳатлар учун сарф бўладиган маблағлар тежалишига эришиш мумкинлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.19/2025.27.12.Т.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА ПО
ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ
СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ЯРБЕКОВ ЖАСУР БАХТИЁР ЎҒЛИ

**РАЗРАБОТКА НАУЧНО ОБОСНОВАННЫХ МЕТОДОВ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ
СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОСЛЕДСТВИЙ ПОВРЕЖДЕНИЙ
СПАСАТЕЛЕЙ**

**05.10.02 – Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Пожарная, промышленная,
ядерная и радиационная безопасность; 05.10.01 – Охрана труда и безопасность
деятельности человека**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Ташкент – 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Министерства высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером В2025.1.PhD/T5505.

Диссертация выполнена в Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (akademiyafvv.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyonet.uz).

Научные руководители:

Литяга Артём Валерьевич

доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент

Хужанов Чарияр Рузиевич

доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент

Официальные оппоненты:

Ганиаров Фуркат Ахмадович

доктор технических наук, профессор

Джураев Собир Мирзаевич

доктор философии (PhD) по техническим наукам, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский государственный университет транспорта

Защита диссертации состоится 30 01 2026 г. в 16:30 часов на заседании Научного совета DSc 19/2025.27.12.Т.01.01 по присуждению ученых степеней при Академии МЧС Республики Узбекистан (регистрационный №3) (Адрес: г. Ташкент, 100102, район Янгиҳаёт, ул. Дустлик, 5. Тел.: (71) 258-56-57, E-mail: akademiyafvv@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии МЧС Республики Узбекистан (зарегистрирована за №43 (Адрес: г. Ташкент, 100102, район Янгиҳаёт, ул. Дустлик, 5. Тел.: (71) 258-56-57, E-mail: akademiyafvv@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан 14 01 2026 г.

(реестр Протокола рассылки № 10 от 14 01 2026 г.).

Исмаилов Р.И.

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Якубов К.Х.

Научный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н. (PhD), доцент

Нурмаматова Р.Р.

Заместитель Председателя Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире до настоящего времени продолжаются исследования, направленные на предотвращение возникающих пожаров, обеспечение их быстрого и эффективного тушения, а также повышение эффективности организации аварийно-спасательных работ. В современный период в развитых странах в целях ликвидации чрезвычайных ситуаций, возникающих в отраслях экономики, определены задачи по повышению эффективности тушения пожаров за счёт совершенствования технических средств и методов пожаротушения с использованием инновационных подходов. В этой связи особое внимание уделяется разработке новых видов средств пожаротушения, оценке показателей определения эффективности совершенствования их тактико-технических характеристик, а также повышению системной эффективности механизмов поиска научно обоснованных конструктивных решений по их оценке и моделированию.

В мире проводятся научные исследования, направленные на изучение правильных действий спасателей при ликвидации чрезвычайных ситуаций, создание и совершенствование спасательных инструментов и оборудования, а также улучшение соответствующих показателей, определение эффективности в процессе периодических испытаний аварийно-спасательного инструмента и оборудования и совершенствование их конструкций. В данном направлении приоритетными считаются исследования по моделированию процессов предотвращения возникновения неблагоприятных ситуаций при периодических испытаниях аварийно-спасательного инструмента и оборудования либо при работе с ними в пожарно-спасательных подразделениях, а также по улучшению их тактико-технических характеристик. Вместе с тем одной из актуальных задач является определение эффективности разработки методов периодических испытаний аварийно-спасательного инструмента и оборудования, поскольку указанные неблагоприятные ситуации в основном возникают именно в процессе их проведения.

В нашей республике реализуются масштабные меры по проведению исследований, направленных на создание и внедрение новых технологий, способствующих повышению эффективности методов периодических испытаний аварийно-спасательного инструмента и оборудования, а также позволяющих выявлять возможные неисправности или отказы, возникающие в процессе их эксплуатации. В 92-й цели «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы», утверждённой Президентом Республики Узбекистан, определены меры, направленные на создание эффективной системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций¹. В частности, обозначены важные задачи по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ -60 «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

